

Маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашда унинг у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи муҳокама қилинмаганлиги ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланган-қопланмаганлиги ўрганилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 2007 йил 26 октябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 184¹-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йилга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Арнасой туман ХТБ фойдасига жиноят оқибатида етказилган 26.919.624 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 21 декабрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, М.га Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 184¹-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари ва 864.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш миқдори 6.919.624 сўмга камайтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. Арнасой тумани ХТБга қаршли ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб интернатида ҳисобчи вазифасида

ишлаб, мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан 2005 йил ва 2006 йил 9 ойида ҳақиқатда ҳисобланган касаллик варақаси тўловларига нисбатан ижтимоий таъминот бўлими томонидан халқ таълими бошқармасининг ҳисоб рақамига жуда кўп миқдорда 30.979.200 сўм маблағларни сарфлаб бюджет интизомини бузганликда;

М. бир гуруҳ шахслар билан Арнасой туман ХТБга қарашли барча таълим-тарбия муассасалари раҳбар ходимлари номига нақд пуллар учун чиким ордерларни ёзишиб, улардаги имзоларни қалбакилаштириб, 2005-2006 йилларда хазина ҳисоботларига иккинчи марта киритиб юбориш йўли билан ХТБнинг 20.919.624 сўмини нақдлаштириб ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

М. бир гуруҳ шахслар билан ХТБга қарашли 12 та мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари ёки бу муассасаларда ишлаб, кейин бўшаб кетган айрим ходимларни расмий равишда ишдан бўшатмасдан, уларга иш ҳақи табели тўлдириб, ноқонуний равишда 21 та ходимга жами 8.449.200 сўм иш ҳақи ёзишиб, бюджет маблағларини муассаса раҳбарларига имзо чектириб олишиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

М. ўзининг жиноий фаолиятини яшириш мақсадида 2005 йилнинг январь ойида туман ХТБнинг 2004 йилдаги бухгалтерия ҳужжатларини ёқиш йўли билан йўқ қилганликда айбдор деб топилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 167-моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирдагина озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **«Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорнинг 9-бандида судлар жиноят оқибатида етказилган моддий

зарар қопланган тақдирдагина маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ апелляция инстанция суди ушбу қонун ва Пленум қарори талабига риоя қилмаган.

Иш материалларига қараганда, содир этилган жиноят оқибатида етказилган жами 35.368.824 сўм моддий зарар миқдоридан дастлабки терговда ўқув юртларининг мактабгача бўлган ходимлари томонидан 8.449.200 сўм, апелляция инстанция суди жараёнида М.нинг қариндошлари томонидан 20.000.000 сўм, жами 28.449.200 сўм қопланган. Бироқ суд жиноят оқибатида етказилган зарарнинг 6.919.624 сўм миқдори қопланмаган бўлса-да, етарли асосларсиз М.га нисбатан тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ўзгартириб барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарори 45-бандида «Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозими ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тушунтирилган.

Иш бўйича ушбу Пленум қарорига ҳам риоя қилинмаган.

Апелляция инстанция суди М.га нисбатан биринчи инстанция судининг ҳукми билан тайинланган жазони ўзгартирган бир вазиятда, маҳкумга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш ёки қўлламаслик масаласини муҳокама қилмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 11 сентябрда чиқарилган жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди

апелляция инстанцияси ажримининг М. га нисбатан қисмини бекор қилиб,
жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юбориш
ҳақида ажрим чиқарди.

Назорат иши ЖСХ 237-08